

Навоий вилоятини 2023 йилги ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари хамда 2024 йилги устувор вазифалар тўғрисида

2023 йил яъни **“Инсонга эътибор ва сифатли таълим йили”** да вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари:

Ўтган 2023 йил давомида вилоятга жами **404 та** меъёрий **ҳужжатлар** (шундан Ўзбекистон Республикасининг Қонунлари **69 та**, Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари **64 та**, қарорлари **137 та**, фармойишлари **12 та**, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари **108 та** ва фармойишлари **14 та** ни ташкил этади) ижро учун келиб тушган бўлиб, ҳар бир ҳужжат ижросини таъминлашда алоҳида муҳокамалар ўтказилди ва тегишли қарорлар ҳамда чора-тадбирлар қабул қилиниб, ижроси жойларда таъминлаб келинмоқда.

Мазкур кирим қилинган меъёрий ҳужжатлар ижросини таъминлаш мақсадида, Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг **10 та** қарорлари, вилоят ҳокимининг **81 та** қарорлари ва **11 та** фармойишлари ҳамда **302 та** чора-тадбирлар белгиланиб, ижрога қаратилди.

Янгидан жорий этилган **“edo.ijro.uz”** электрон тизими орқали Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиланган ҳужжатларда бажариш муддати 2023 йилда белгиланган ва Навоий вилояти масъул бўлган **3,5 мингдан** ортиқ топшириқлар ижроси таъминланди.

Шу билан биргаликда, ижро интизомини таъминлашда хато ва камчиликларга йўл қўйганлиги, ўзига юклатилган

вазифаларни лозим даражада бажармаганлиги учун **2023 йилда 2 нафар** туман ҳоқимлари, **5 нафар** туман (шаҳар) ҳоқими ўринбосарлари лавозимидан озод этилди, **1 нафар** вилоят ҳоқими ўринбосари, **6 нафар** туман (шаҳар) ҳоқимларига, **74 мартаба** туман (шаҳар) ҳоқими ўринбосарларига турли даражадаги **интизомий жазо чоралари** қўлланилди.

Мурожаатлар билан ишлаш, аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотини кенгайтириш, мавжуд долзарб муаммоларни аниқлаш, уларни бевосита жойида бартараф этиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиб, вилоят ҳоқими ва ўринбосарлари томонидан 2023 йилда жами **69 ташахсий** ва **сайёр қабул**лар ўтказилиб, уларда **1600 га яқин** (*шахсий қабул 472 та, сайёр қабул 1128 та*) жисмоний ва юридик шахсларнинг вакиллари қабул қилинди.

2023 йил давомида вилоят ҳоқимлигининг **28 дан** ортиқ аппарат ва **“Ҳоқим соати”** йиғилишларида фуқаролар мурожаати масаласи асосий масала сифатида киритилиб, танқидий муҳокамалар қилиниши натижасида, мурожаатларда кўтарилган масалаларнинг **500 тага** яқини, яъни **51 фоиздан** ортиғи тўлиқ ижобий ҳал этилиб, **қаноатлантиришга эришилди**.

Бундан ташқари, Ҳурматли Президентимизнинг 2022 йил 22 августдаги ПҚ-357-сонли қарорига асосан **“Халқ назорати”** (Фаол фуқаро) электрон портали ва мобил илова ишга тушурилиб, бугунги кунда порталга келиб тушган **90 дан** ортиқ мурожаатлар тезкорлик билан кўриб чиқилиб, ҳал этилди.

Шу билан бирга, телеграм ижтимоий тармоғида “Навоий вилоят ҳоқимиға мурожаат” расмий ботишга туширилиб, мурожаатчилар томонидан кўтарилган масалаларни қисқа вақт ичида ҳал этиш чоралари кўриб келинмоқда.

Аҳоли муаммоларини ўрганиш ва уларни ўз вақтида бартараф этиш мақсадида вилоятдаги барча сектор раҳбарлари томонидан доимий равишда оммавий ва сайёр қабуллар ўтказиб келинмоқда.

Жумладан, 2023 йилда сектор раҳбарлари томонидан жами **2 605 маротаба** (шундан: 1-сектор **631 та**, 2-сектор **664 та**, 3-сектор **658 та**, 4-сектор **652 та**) сайёр қабуллар ўтказилиб, уларда **18263 нафар** фуқаролардан **18 907 та** мурожаат қабул қилинди.

Ушбу мурожаатларнинг **14 725 таси** ёки **78 фоизи ижобий ҳал этилди**, **2661 тасига** (14%) ҳуқуқий ва асосли тушунтиришлар берилди ҳамда **1521 таси** (8%) назоратга олинди.

Амалга оширилган ишлар натижасида, Президентнинг Виртуал ва Халқ қабулхоналари орқали келиб тушган мурожаатлар сони ўтган йилнинг мос даврига нисбатан **29,0 фоизга** (2023 йилда **7716 та**, 2022 йилда **10860 та**, фарқи **3144 та**), вилоят ҳоқимлиғига бевосита жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушган мурожаатлар сони эса **35,2** фоизга (2023 йилда **3873 та**, 2022 йилда **5972 та**, фарқи **2099 та**) камайди.

2023 йилда вилоятни комплекс ривожлантириш, маҳаллаларнинг ижтимоий ва ишлаб чиқариш

инфратузилмаларини яхшилаш борасида қатор ишлар амалга оширилди.

Хусусан, 2023 йилда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмаларини яхшилаш, аҳоли учун қулай инфратузилма шароитларини яратиш мақсадида марказлашган дастурлар доирасида **1 трлн72млрд** сўмлик **қурилиш-таъмирлаш ишлари** амалга оширилди.

Аҳолининг уй-жой шароитини яхшилаш мақсадида **5007та** хонадонга эга **78такўп** қаватли уйлар фойдаланишга топширилиб, **25минг** нафар аҳоли уй-жой билан таъминланди.

Шунингдек, **“Янги Ўзбекистон”** массивларида **400хонадонли** **18такўп** қаватли уй-жойлар қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Ушбу массивларда **5та**(1 та 330 ўринли мактаб, 2 та 300 ўринли мактабгача таълим ташкилоти, 2 та 100 қатновли тиббиёт муассасаси) ижтимоий соҳа объектлари, **4,7км** ичимлик сув, **3,1км** оқова сув, **22,2км** электр, **4,3км** табиий газ, **3,8км** сиссиқлик тармоқлари ва **3,6км** ички йўллар қурилди.

Натижада, **Кармана** ва **Қизилтепа** туманларида **2минг** нафар аҳоли янги уйлар билан таъминланди.

Ичимлик суви таъминотида ҳар йили ўртача **120-150км** сув тармоқлари тортилиб, сув билан таъминланиш даражаси **1-2фоизга** ўзгарган бўлса, биргина 2023 йилнинг ўзида **1067км** сув тармоқлари тортилиб, **28дона** сув иншоотлари қурилди ва реконструкция қилинди.

Натижада **90мингдан** ортиқ аҳоли илк бор марказлашган ичимлик суви билан таъминланди, **36мингдан** ортиқ

аҳолининг сув таъминоти яхшиланди ҳамда таъминланганлик даражаси **76фоиздан84,7фоизга**етказилди.

Биргина мисол, 2023 йилнинг ўзида **Хатирчи** туманига **92,5млрд**сўм маблағлар ажратилиб, **559,2км**ичимлик сув тармоқлари тортилиб, **9дона**сув иншоотларини қурилди. Натижада **58,0мингдан**ортиқ аҳоли илк бор марказлашган ичимлик суви билан таъминланди ҳамда таъминланганлик даражаси **38фоиздан67,0фоизга**етказилди.

Йўлларни таъмирлашборасида ҳам **2010-2015 йилларда** йилига ўртача **80-100км** ички йўлларни таъмирлаган бўлсак, биргина 2023 йилнинг ўзида тупроқ йўлларни **шағаллаштириш** жараёнида ишлар ҳашар йўли билан амалга оширилиши натижасида (*ёқилғиси олиб берилиб, корхоналарининг ўз кучи билан амалга оширилди*)**1167км** йўлларда реконструкция ва таъмирлаш ишлари бажарилди.

*(Маълумот учун: 2023 йил 1 январь ҳолатида **1414 км** тупроқ йўллар мавжуд бўлиб, 2023 йилда **374 км** (**26 фоиз**) қисми шағаллаштирилди).*

Натижада, **218та** маҳалла ва қишлоқлардаги ички йўлларнинг ҳолати яхшиланиб, таъмирталаб аҳволдаги ички йўллар улуши 2022 йилдаги**52фоиздан39фоизга** камайтирилди.

Электр энергияситаъминотини яхшилаш мақсадида **91,1млрд**сўмлик ишлар амалга оширилиб, **5475,6км** электр узатиш тармоқлари, **70та** подстанция ва **1410дона** трансформатор пунктлари янгидан қурилди ва таъмирланди.

Амалга оширилган ишлар натижасида **153**та маҳаллада **150** мингдан ортиқ хонадонларда электр таъминоти яхшиланди.

2023 йилда **1205** та ижтимоий соҳа объектлар ва тадбиркорлик субъектлари ҳамда **1199** та аҳоли хонадонларида **муқобил энергия манбалари** жорий этилди.

Жами **2404** та объектда қуввати **21,5** МВт қуёш панеллари ўрнатилиши натижада **1** ойда **5,0** млн. кВт соат электр энергияси ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди.

Транспорт соҳасида ҳам қатор ишлар амалга оширилиб, 2023 йилда қиймати **17** млрд сўмлик **19** та янги автобуслар ва **17** та янги микроавтобуслар харид қилиниб, транспорт хизматлари ташкил этилди.

Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш, экологик вазиятни яхшилаш мақсадида, 2023 йил **баҳор** ва **куз** мавсумида **15,5** млн дона (*баҳорда 8 млн 933 минг, кузда 6 млн 117 минг*) кўчатлар экилди.

Шунингдек, йирик саноат корхоналари атрофида экологик муҳитни яхшилаш учун **204,2** гектар ер майдонларида **186,2** минг дона кўчатлар экилиб, **“Яшил белбоғлар”** ташкил этилди.

Вилоятда **ижтимоий соҳадаги** муаммоларни ҳал этилиши доимий диққат марказда туради.

Жумладан, мактабгача таълим ташкилотларига вилоятдаги **1311** та 3-7 ёшдаги **84,2** минг нафар болаларнинг **71,0** минг нафари ёки **84,4** фоизи қамраб олинди.

154та оилавий нодавлат ва **2та** давлат мактабгача таълим ташкилотлари барпо этилиши натижасида **4438нафар**янгидан бола ўрни яратилди.

Вилоятдаги **219та** давлат мактабгача таълим ташкилотлари **100фоиз**тоза ичимлик суви билан таъминланди.

Умумтаълим мактабларида2023 йилда **28та**(**3та** янги, **1та** мукаммал таъмир, **24та** реконструкция)мактабда қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилиб, **7968та** ўқувчи ўрни яратилди. Ушбу мақсадлар учун **122млрд**сўм маблағ йўналтирилди.

2023 йилда республиканинг **16,3млрд**сўм маблағлари ҳисобидан **133та** мактабга **2149дона**, маҳаллий бюджетдан **720млн**сўм маблағлар ҳисобига**8та** мактабга **120дона****компьютер техникалари**олиб берилди.

Вилоятдаги умумтаълим мактабларида олий ва биринчи тоифали ўқитувчилар улуши сўнги **3 йилда****26фоиздан** (**5359нафар**) **40фоизга** (**8427нафар**) етказилди.

Шунингдек, ўтган ўқув йилида умумтаълим мактабларини битирган **10748нафар** ўқувчиларнинг **6797нафари** ёки **63фоиз**олий таълимга қабул қилинди ва бу кўрсаткич сўнги йилларда Республикада **1-ўринни** эгаллаб келмоқда.

Сўнги йилларда вилоятда соғлиқни сақлаш соҳасида ҳам сезиларли ишлар амалга оширилмоқда.

Хусусан, сўнги **6 йил** давомида **бирламчи тиббий ёрдам** муассасалари **128тадан246тага** етказилиб, **2баробарга** оширилди.

2022-2023 йилларда янгидан **27та** оилавий шифокорлик пункти, **2та** оилавий поликлиника ҳамда **123та** маҳалла

тиббиёт пунктининг фаолияти йўлга қўйилди. Натижада **300мингдан** ортиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифати янада яхшиланди.

2023 йилда айнан бирламчи муассасалар учун **10млрд** сўмлик **тиббий жиҳозлар** харид қилинди.

2023 йил давомида вилоятда **1700нафар** беморда **юқори технологик жарроҳлик** амалиётлари ўтказилди. Шунингдек, Болалар миллий маркази билан ҳамкорликда **59нафар** болажонларимиз **юрак туғма нуқсонларини** бартараф қилиш борасида жарроҳлик амалиётлари ўтказилди.

Хорижлик мутахассислар иштирокида вилоятда **32нафар** травматологик йўналишдаги беморларда юқори технологик амалиётлар ўтказилди. Ногиронлиги бўлган **2минг** нафар фуқаролар **2,0млрдсўмлик26турдаги** протез-ортопедия ва реабилитация воситалари билан таъминланди.

Шу билан бирга, тизимли ислоҳотлар натижасида, тажрибали шифокорлар кўмагида юқори технологик амалиётлар туман даражасига туширилди, **мисол** учун вилоятнинг **Зарафшон** шаҳри ва **Қизилтепа** туманларида **бўйрак кўчириш амалиёти** йўлга қўйилди.

Албатта, бу жараёнда соҳа ходимларининг малакасини ошириш, уларни халқаро тажриба асосида иш олиб бориши муҳим ўрин тутди.

Шу боис, 2023 йилда **179нафар** тиббиёт ходимларининг **хорижда малакаси** оширилди (*2022 йилга нисбатан 7 баробар кўп*).

Шу билан бирга, тиббий муассасаларни қуриш-таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари учун **101,5млрдсўм** (*48,3 млрд сўм жиҳозлаш*

учун) маҳаллий ҳамда **24,4млрд**сўм республика бюджети маблағлари ажратилди.

Макроиқтисодий барқарорлик, аҳоли бандлиги таъминлаш ҳамда экспорт ва инвестицияларни ўзлаштириш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди.

2023 йилда вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми **105,8фоизга**, саноат маҳсулотлари **106,7фоизга**, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари **101,9фоизга**, қурилиш-пудрат ишлари **107,5фоизга**, хизматлар ҳажми **112,5фоизга** ўсиши таъминланди.

Аҳоли жон бошига 2022 йилга нисбатан ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми **13,1млн**сўмга ошиб **76,9млн**сўмни, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш **14,8млн**сўмга ошиб **95,4млн**сўмни, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари **3,1млн**сўмга ошиб **18,5млн**сўмни, хизматлар ҳажми **2,0млн**сўмга ошиб **10,8млн**сўмни ташкил этди.

Саноати ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилиб, мавжуд имконият ва резервларни ишга солиниши натижасида, 2023 йил якуни билан ишлаб чиқариш ҳажми **101,6трлн**сўм ёки ўтган йилга нисбатан ўсиш **106,7фоизга** таъминланди.

Саноатнинг озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш (**106,6%**), металлургия (**108,3%**), электротехника саноати (**108,5%**) қурилиш материаллари саноати (**103,7%**) тармоқларида **юқори ўсиш** кузатилди.

2023 йил **маҳаллийлаштириш** дастурига киритилган **60 дан** ортиқ корхоналарда **125 тур**даги (шундан, **60 таси** янги маҳсулот) **1,3трлн**сўмлик импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар

ишлаб чиқарилиб, 2022 йилга нисбатан **17,2** **фоизга** кўп бажарилиши таъминланди.

Бугунги кунда **86 та** (“Навоий КМК” АЖ **40 та**, “Навоийуран” ДК **11 та**, “Навоий ИЭС” АЖ **10 та**, “Қизилқумцемент” АЖ **12 та**, “Навоийазот” АЖ **15 та**) кичик бизнес субъектларига “шатакка олиш механизми” асосида йирик корхоналар томонидан **амалий кўмак** бериб келинмоқда.

2023 йилда вилоятда **11,5** **тлрн** сўмлик **хизматлар** кўрсатилиб, **112,5** **фоиз** ўсиш таъминланди. Хизмат кўрсатишда юқори ўсиш суръатлари асосан молиявий хизматларда **129,9** **фоиз**, Меъморчилик соҳасида **127,6** **фоиз**, таълим соҳасидаги хизматларда **121,2** **фоиз** ниташкил этди.

Аҳоли бандлигини таъминлаш борасида “**Ишсизликдан ҳоли ҳудуд**” га айлантириш бўйича берган топшириқлари ҳамда меҳнат бозоридаги **52,9** **минг** нафар талабдан келиб чиқиб (битирувчилар **17,3** **минг** нафар, хориждан ишлаб қайтганлар **7,5** **минг** нафар, **1,1** **минг** нафар ҳарбий хизматдан қайтган ва иш ўрни қисқарганлар) 2023 йилда **248,2** **минг** нафар аҳоли бандлиги таъминланди.

Натижада, вилоятдаги камбағал аҳоли сони **97,3** **минг** тадан **73,1** **минг** нафарга камайтирилди, **камбағаллик даражаси** бир йил олдинги **9,2** **фоиздан** **7,0** **фоизга**, **ишсизлик даражаси** эса **8,0** **фоиздан** **6,0** **фоизга** туширилди.

Вилоятдаги **330** **та** маҳалладан **20** **та** маҳалла “**Камбағалликдан ҳоли ҳудудга**”, **21** **та** маҳалла “**Ишсизликдан ҳоли ҳудудга**” айлантирилди.

Вилоятдаги мономарказлар ва бошқа ўқув масканлари, нодавлат ўқув марказларида жами **11819 нафар** ишсиз фуқаролар меҳнат бозорида талаб юқори бўлган **71 турдаги** касб-ҳунарга, тадбиркорликка ва хорижий тилларга **ўқитишга** жалб этилди.

Шунингдек, **2,4 минг** нафар ишсизларга **11,2 млрд** сўм миқдорида **субсидия маблағлари** ажратилди.

Пахта ва **ғалладан** қисқартирилган ерлар ҳисобидан **9560 гектар** ер майдонлари **24193 нафар** аҳолига ижара асосида ажратилиб, **72 минг** аҳоли бандлиги таъминланди.

Тадбиркорлик учун яратилаётган кенг имкониятлар ва берилаётган енгилликлар натижасида вилоятда **3796 та** янги кичик бизнес субъектлари ташкил этилиб, уларнинг сони **26014 тага** етказилди.

2023 йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига **3 трлн** сўм, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш дастурлари доирасида **22,5 минг** нафар фуқарога **580,7 млрд** сўм кредит маблағлари ҳамда **11,2 млрд** сўм миқдорида субсидия маблағлари ажратилди.

Вилоятда **4457 та** тадбиркорлик субъектлари **335,7 млрд** сўм **солиқ имтиёзларидан** фойдаланди, ушбу имтиёзлардан фойдаланиш орқали тадбиркорлик субъектларида **3 мингга** яқин иш ўрни яратилди.

39 та тадбиркорлик субъектларига **21,1 млрд** сўмлик ҚҚС маблағлари қайтарилишида амалий ёрдам кўрсатилди.

Вилоятда **бюджет тушумларини** кўпайтириш, қўшимча манбааларни аниқлаш, хуфёна иқтисодиётни қисқартириш бўйича тизимли ишлар амалга оширилиши натижасида

маҳаллий бюджетга **2 трлн 867,0 млрд** сўмлик тушумлар таъминланиб, йиллик прогноз **108,0** фоизга ёки **216,0 млрд** сўм маҳаллий бюджет ихтиёрида қўшимча маблағ қолди. Тушум миқдори 2022 йилга нисбатан **1,3 баробарга** (*602,0 млрд сўмга*) ўсди.

Барча шаҳар ва туманларда белгиланган прогноз кўрсаткичлари режаси тўлиқ бажарилиши таъминланди. Шунингдек, 2023 йил давомида хуфёна иқтисодиётнинг улушини қисқартириш ҳисобига **50,3 млрд** сўм қўшимча манбаа аниқланди.

Туризм соҳаси даривожлантиришга берган алоҳида эътибор ва кўрсатмалари ижросини таъминлаш мақсадида, 2023 йилда вилоятга **158 минг** нафар **хорижий** ва **1406 минг** нафар маҳаллий **сайёҳлар** ташрифи кузатилиб, 2022 йилга нисбатан ўсиш кўрсаткичи **6 баробарга** ошди (*2022 йилда 26,2 минг нафар хорижий сайёҳлар ташрифи кузатилган*).

Вилоятдаги **меҳмонхона ва оилавий меҳмон уйлари** сони **210 тага**, улардаги ўринлар сони **6227 тага** етказилди ва 2017 йилга нисбатан ўсиш кўрсаткичи **11 баробарга** ошди (**42 та** меҳмонхона, **15 та** дам олиш маскани, **37 та** хостел, **111 та** меҳмон уйлари).

2023 йилда соҳада умумий қиймати **138 млрд** сўмлик **44 та** лойиҳалар (*12 та меҳмонхона, 8 та хостел, 21 та оилавий меҳмон уйи, 3 та дам олиш маскани*) ишга туширилиб, **500 дан зиёд** янги иш ўринлари яратилди.

Туризм хизматлари экспорти **39,5 млн долл** ташкил қилиб, 2017 йилга нисбатан **24 бараварга** ошди.

2023 йилда **24** турскомпаниялар фаолияти йўлга қўйилиб, улар сони **49** тага етказилди. Турмаршрутлар сони эса сони **50** тага етказилди.

2023 йилнинг бошида вилоятнинг **Хатирчи, Нурота, Навбаҳор, Кармана, Қизилтепа** туманларини ўз ичига олган **Навоий “туризм халқаси”**ни ташкил қилган эдик, мазкур йўналиш бўйлаб **750** минг хорижий ва маҳаллий туристлар саёҳатлари ташкил этилди.

2023 йилда Нурота тумани **Сентоб қишлоғи “Туризм қишлоғи”** сифатида ташкил қилинди. Қишлоқда **9,4** млрд сўм маблағлар ҳисобига **5** км йўл, **2** та селфи зонаси ва бошқа туризм инфратузилмаси яхшиланди, **2** та меҳмонхона, **20** та меҳмон уйлари ҳамда туризм хизматлари йўлга қўйилди.

Натижада **Бутун жаҳон туризм ташкилоти** томонидан 2023 йилда **Сентоб қишлоғи** Бутун жаҳон туризм ташкилоти (UNWTO) Бош Ассамблеясининг **Самарқанд саммитида** 2023 йилнинг **“Энг яхши туризм қишлоғи”** деб эълон қилинди.

Саудия Арабистонида ўтказилган ЮНЕСКО Жаҳон мероси қўмитасининг йиғилишида Буюк Ипак йўлининг Зарафшон – Қорақум коридори **Умумжаҳон мероси рўйхати**га киритилди. Рўйхатда илк мартаба Навоий вилоятидан **5** та маданий мерос объектлари киритилди.

Навоий шаҳридаги Нурафшон кўчасида 24/7 соат давомида ишлайдиган **“Гастрономик кўчаси”** ташкил этилиб, 2023 йил ноябрь ойида мазкур кўчада **“NAVOI NATIONAL FOOD FEST”** фестивали ўтказилди. Фестивалга **15** минг нафар

маҳаллий аҳоли ҳамда **500**данортиқ туристлар иштирок этишди.

Инвестиция дастурлари бўйича вилоятда қиймати **1млрд707,2млн долларлик 707та** (саноатда 195 та, хизматда 314 та, қишлоқ хўжалигида 198 та) лойиҳалар ишга тушириб, **10,5минг**та иш ўринлари яратилди.

Ушбу лойиҳалар ҳисобига йилига **5,4трлн** сўмлик қўшимча ишлаб чиқариш қувватлари ташкил этилиб, **50млн** долларлик экспорт ва **33млн** долларлик импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш ҳамда бюджетга **204млрд** сўмлик тушум манбаалари шаклланди.

Вилоятда **2018 йилда** бор-йўғи **12,6млн** долларлик **хорижий инвестициялар** ўзлаштирилган бўлса, унинг миқдори **2023йил** якуни билан **478,1млн** долларга етказилди.

Натижада, 2023 йил учун белгиланган хорижий инвестицияларни ўзлаштириш топшириғи **101фоизга** бажарилиб, 2022 йилга нисбатан ўсиш **2 баробар**ни, 2018 йилга нисбатан эса **38баробар**ни ташкил этди.

2023 йил июл-август ойларида вилоят делегацияси **Туркия ва Хитой** давлатларида хизмат сафарида бўлиб, сафарлар якуни бўйича умумий қиймати **828млн** долларлик жами **31та** инвестиция келишувларига эришилди.

Бугунги кунда, ушбу келишувлар ўз натижасини бермоқда. Хусусан, Кармана туманида **“Сиангшуи Чанг Янг Кемикал”** компанияси (*“Зарафшон Индастриал Техноложу”* МЧЖ ХК) билан қиймати **150млн долларлик** фтал ангидриди, каустик сода,

полиалюминий хлорид, водород пероксиди, антрахинон ишлаб чиқариш лойиҳасини амалга ошириш бўйича ишлар бошлаб юборилди (бугунга қадар ушбу лойиҳага **21млн** долларлик хорижий инвестициялар киритилди).

Шу билан бирга, 2023 йилнинг октябрь ойида **Татаристон Республикасига** олий даражадаги ташриф давомида Татаристоннинг “КИП “Мастер” ҳамда “Навоий” эркин иқтисодий зонаси ўртасида **20гектар**ер майдонида “**Мастер Навоий**” саноат паркини ташкил этиш юзасидан келишув имзоланди.

Бугунги кунда, саноат паркини ташкил этиш бўйича Вазирлар Маҳкамаси ҳамда Инвестициялар, саноат ва савдо вазирлиги билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси ишлаб чиқилиб, тегишли вазирлик ва идоралар билан келишилмоқда.

Ушбу саноат паркида умумий қиймати **200млн** доллардан ортиқ бўлган инвестиция лойиҳалари амалга оширилади.

2023 йилда ҳудудий корхоналар томонидан **176,6млн** долларлик (саноат маҳсулотлари экспорти 165,8 млн. долл. мева-сабзавот маҳсулотлари 10,8 млн долл) **маҳсулотлар экспорти** амалга оширилди.

Экспортда тайёр маҳсулотлар улуши **24,3фоизни** (**43млн дол**) ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан **8фоизга** ошди.

61 таянги корхоналар экспортга жалб этилиши ҳисобига уларнинг сони **158тага** етказилди, **5** таянги экспорт бозорлари ўзлаштирилиб, экспорт географияси **29тага** етказилди.

Шунингдек, **Джи-Эс-Пи** плюс доирасида **7та** давлатларга **9,1млн** долларлик экспорт амалга оширилди.

Шу билан бирга **4,3 млн** долларлик **20 турдаги** янги **маҳсулотлар** экспортга йўналтирилди.

Экспортчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида, **12 та** экспортчи корхоналарни айланма маблағ учун **5,4 млн** долларлик имтиёзли кредит ажратилди.

Қишлоқ хўжалиги соҳасини жадал ривожлантириш учун мавжуд имкониятларни самарали фойдаланилиши ва соҳада олиб борилаётган ишлар натижасида, 2023 йилда вилоятда **19,7 трлн** сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарилиб, соҳада **115,4 минг** нафар (шундан **103,4 минг** нафар мавсумий, **12 минг** нафар доимий) **аҳолининг бандлиги** таъминланди.

Деҳқон ва фермерларимизнинг меҳнатлари эвазига ўтган йилда **86,5 минг** тонна **пахта** (ҳосилдорлиги **39,1 ц/га**), **258,1 минг** тн **ғалла** (ҳосилдорлиги **64,3 ц/га**) ва **106,2 минг** тонна **мева-сабзавот (105,1%)** етиштирилди.

Шунингдек, **3195 гектар** аҳоли яшаш пунктларига яқин ва сув таъминоти қулай бўлган ерлар **6,4 минг** нафар аҳолига **деҳқон хўжалиги ташкил этиш** учун ажратилди. Ушбу ерлардан **47,6 минг** тонна қўшимча маҳсулот етиштирилиб **19,3 млрд** сўм даромад олишга эришилди.

2023 йилда **69 та** ташаббускорлар томонидан **32,9 млрд** сўм маблағлар ҳисобига **1645 гектар** мевали **боғлар** ҳамда **3382 гектар** майдонларда янги **токзорлар** барпо этилди.

Вилоятда 2023 йилда **5047 гектар** ерлар **фойдаланишга киритилди**.

Сув исрофини камайтириш мақсадида 2023 йилда **11,8 минг** гектар майдонда сув тежовчи технологиялар жорий этилиб, шундан **855 гектар** томчилатиб суғориш, **2,2 минг** гектар ёмғирлатиб суғориш, **3,3 минг гектар** дискрет суғориш, **5,5 минг** гектар лазерли текислаш амалга оширилди.

Ушбу ишларни давом эттириш ва сувдан унумли фойдаланиш мақсадида, 2023-2024 йилларда **724 км** суғориш тармоқларини **бетонлаштириш** режалаштирилган бўлиб, ҳозирда ушбу ишларнинг **60 фоизи** бажарилди.

2023 йилда **10 та** насос станция бошқаруви **хусусий секторга** берилди.

Сув хўжалиги объекларида **197 дона** **2,4 млрд** сўм ҳисобига (**108%**) **“Ақлли сув”** қурилмалари ўрнатилди.

Хотин-қизлар билан ишлаш борасида ҳам бир қатор ишлар амалга оширилди.

Жойларда ўтказилган сайёр қабуллар ва **ижтимоий дафтарлар доирасида** қарийб **45 минг** та оилага **48,2 млрд** сўмлик давлат кўмаги кўрсатилди.

Бундан ташқари, аҳоли муаммоларини жойларга чиқиб ўрганиш ва ҳал этишга қаратилган чора-тадбирлар асосида **“Саховат ва кўмак”** жамғармаси орқали **14 минг 938 та** оилаларга **25,5 млрд** сўмлик давлат кўмаги берилди.

Шу билан бирга, жарроҳликнинг оғир турлари бўйича хорижий мамлакатларда ўтказиладиган амалиёти учун **22 нафар** фуқароларга **1,6 млрд** сўм маблағлар ажратиб берилди.

Хотин-қизлар ва эҳтиёжманд оилаларнинг **уй-жой шароитларини** яхшилаш мақсадида **2,2 млрд** сўм маблағлар

йўналтирилиб, **500**та оиланинг бу борадаги муаммолари баратараф этилди.

Уч йилдан буён ҳар йили **150**нафар ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалардаги талаба қизлар учун ўртача **1,0**млрд сўмлик **контракт пуллари** давлат бюджетидан тўлаб берилмоқда.

Биргина 2023 йилнинг ўзида **902**нафар талаба қизларга қарийб **7,0**млрд сўм миқдорида **фоизсиз кредитлар** ажратиб берилди.

Хотин-қизларнинг таълим олишини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида **2765**нафар эҳтиёжманд оила вакилларига ҳамда 5 йиллик иш стажига эга бўлган **483** нафар хотин-қизларга ОТМларига қўшимча давлат гранти асосида ўқишга кириш учун тавсияномалар берилди.

Жумладан, вилоятда хотин-қизларни касбга ўқитиш ва бандлигини таъминлаш бўйича ишлаб чиқилган манзилли Дастурга асосан 2023 йилда **29 926**нафар хотин-қизларнинг **бандлиги таъминланди** ёки ўзининг даромад манбаига эга бўлди.

Янгидан тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган **1 610** нафар хотин-қизларимиз бугун том маънода **иш берувчига** айланди.

Ижро интизомини мустаҳкамлаш, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари, Давлат Раҳбари томонидан белгилаб берилган ҳужжатларда **2024 йилда** бажариш керак бўлган **1 612 та** назоратда турган топшириқлар ва Ҳукуматнинг ҳужжатларида белгилаб берилган топшириқлар ижросини ўз вақтида ва сифатли тарзда таъминлаш Биз ижро органи

раҳбарларининг **биринчи даражали вазифамиз** бўлиб қолади.

Вилоят, шаҳар ва туман сектор раҳбарлари, қоаверса барча даражадаги раҳбарлар **маҳаллага тушиб, аҳолини қийнаб келаётган муаммолар билан шуғулланиш амалиёти** тизимли равишда давом эттирилади.

2024 йилда ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури доирасида марказлашган маблағлар ва маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан **1233,7 млрд** сўмлик қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилади.

Бунда:

- **523 млрд.сўмлик 1062,5 км** музунликдаги йўллар,
- **22 млрд.сўмлик 150 км** мичлик сув тармоқлари, **12 дона** сув иншоотлари,
- **176,3 млрд.сўмлик 1489,7 км** электр узатиш тармоқлари, **7 та** подстанция ва **367 дона** трансформатор пунктлари,
- **49,4 млрд.сўмлик 9,3 км** иссиқлик тармоқлари, **27 та** қозонлар, **64 та** насослар,
- **188 млрд сўмлик 29 та** ижтимоий соҳа объектларида қурилиш, таъмирлаш ва реконструкция ишлари олиб борилади.
- **275 млрд сўмлик 2 200 та** хонадонли **33 та** кўп қаватли уйлар қурилади.

Уй-жой таъминоти бўйича ишлар жадаллаштирилиб, уй-жойга талаб юқори бўлган ҳудудларда **2200 та** хонадонли **33 та** янги уйлар қурилади ҳамда **14 минг** нафар аҳоли уй-жойлар билан таъминланади.

Шунингдек, “**Янги Ўзбекистон**” массивларида **830 та** хонадонли **17 та** уй-жойлар қурилади ва **4 минг** нафардан ортиқ аҳоли янги уйлар билан таъминланади.

Йўл инфратузилмасини яхшилаш мақсадида, 2024 йилда **523**млрдсўм маблағлар эвазига **1062,5**км йўлларни қуриш, **12**такўприкларда қурилиш-таъмирлаш ишлари бажарилади.

Шунингдек, бугунги кундаги мавжуд **1040**км тупроқ йўлларда 2024-2026 йилларда (ПҚ-330-сонли қарорга асосан) **285**млрдсўмлик ишлар амалга оширилиб, **тўлиқ шағал** қопламага ўтказилади.

Ичимлик суви. 2024 йилда барча манбалар ҳисобидан **150**кмдан ортиқ **ичимлик суви** тармоқлари тортилиб, **12**дона сув иншоотларида қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилади ва ушбу тадбирларга **22**млрдсўм маблағлар йўналтирилади.

Бунинг натижасида йил якунига қадар марказлашган ичимлик суви билан **таъминланганлик даражаси 84,7**фоиздан **85,5**фоизга етказилади.

Электр таъминоти. Жорий йилда **1489,7**км электр **узатиш** тармоқлари, **7** **дона** подстанция ва **367** **дона** трансформатор пунктларида мукамал таъмирланади ҳамда **3229,6**км электр узатиш тармоқлари, **62** **дона** подстанция ва **847** **дона** трансформатор пунктлари жорий таъмирланади.

Шунингдек, **934,3**км электр узатиш тармоқлари, **228** **дона** трансформатор ва **5** **дона** юқори кучлишлик подстанциялар янгиланади ва реконструкция қилинади.

Булардан ташқари, кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатувчи **9,3**км **иссиқлик тармоқлари**, **27** та қозон **64** та насос ускуналари таъмирланади ва **55** **минга** ҳолининг **иссиқлик таъминоти** яхшиланади.

Транспорт.Фуқароларга сифатли транспорт хизматини кўрсатиш мақсадида **9** та янги автобус йўналишлари ташкил этилади (шундан, “Зарафшон-Алмата” ва “Нурота-Тошкент” туризм автобус йўналишлари), **70** та янги автобус (шундан, 60 та шаҳар, 10 та шаҳар атрофи учун), **20** та микроавтобус сотиб олинади ҳамда **200** га яқин иш ўринлари яратилади.

Транспорт тирбандлигини олиш мақсадида **12** та чораҳалар кенгайтирилади, **18** та ақлли светофор ўрнатилади.

Экология. 2024 йилда вилоятда “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси доирасида **14** млн донадан (баҳорда **8,8** млн, кузда **5,3** млн) ортиққўчатлар, **50** минг гектаргасаксовуллар экилади, **8** та туманда **19,5** гектар майдонга “Яшил боғлар” ҳамда **8** гектар майдонда “яшил белбоғ” лар барпо этилади.

Шунингдек, **чиқиндини қайта ишлаш** билан шуғулланаётган тадбиркорлик субъектлари сони **11** тадан **18** тага ортиши натижасида қайта ишлаш даражаси **45,4** фоиздан **50,4** фоизга етказилади.

Ижтимоий соҳани ривожлантиришга тўхталадиган бўлсак, вилоятдаги **3-7** ёшли болаларнинг мактабгача таълим билан қамраб олиш даражаси **85,4** фоизга етказилади.

Бунинг учун жорий йилда **2** та давлат (**1** та Қизилтепада, **1** та Карманда), **59** та нодавлат МТТлар ташкил этилади ва **2780** ўринқўшимча қувват яратилади.

Шу билан бирга, **20** та мажбурий бир йиллик бепул тайёрлов гуруҳлари ташкил этиш эвазига қўшимча **458** қувват яратилади.

Мактабгача таълим муассасаларида фаолият олиб бораётган педагогларнинг **667нафари** малака ошириш курсларида ўқитилади.

Жорий йилда **18та**(*2та* янги, *2 та* мукаммал таъмир, *14та* реконструкция)**мактабда**қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилади. Бунинг натижасида**5200та**ўқувчи ўрни **янгидан яратилади**. Ушбу мақсадлар учун давлат бюджетидан **140,0млрд.**сўм маблағ йўналтирилади.

Амалга оширилган ишлар натижасида **30 нафардан** кўп бола таълим оладиган синфлар сони **150 тага** қисқартирилади.

2023-2024 ўқув йилида умумтаълим мактабларида таълим сифатини ошириш борасидаги ишлар натижасида битирувчи ўқувчиларни **олий таълим билан қамраб олиш** даражаси **65фоизга** етказилади.

Шунингдек, мактабларимиздаги тоифали ўқитувчилар улуши **40фоиздан43фоизга** (**9100нафар**) етказилади.

Вилоятда Президент мактаблари таълим дастури яна **60та** мактабга жорий этилиб, мактабларда **хитой тилинииккинчи тил** сифатида ўқитишни йўлга қўйилади, **11нафархорижий ўқитувчилар**таълимга жалб қилинади.

Мактабларни моддий техник базасини мустаҳкамлаш мақсадида **60та** мактабга **7,2млрд**сўм маблағ ажратилиши натижасида **960донакомпьютерлар**билан таъминланади.

Бундан ташқари,**2024 йилда3танодавалат мактаблари**ташқил этилиб, **1000нафарга** яқин болалар қамраб олинади.

Тиббиёт соҳасидагиишларимизни давом эттирган ҳолда, жорий йилда **бирламчи тиббий санитария** ёрдами

муассасаларидан **10** км олисдаги маҳаллаларда **24** та маҳалла тиббиёт пункти, **6** та оилавий поликлиника, **2** та оилавий шифокорлик пункти ташкил этилади.

Шунингдек, **ногиронлиги** бўлган **2,3** минг нафар шахслар вилоят реабилитация ва протезлаш марказида реабилитация қилиниб, кекса ва ногиронлиги бўлган **3** мингдан ортиқ шахслар протез-ортопедия мосламалари ва реабилитация воситалари билан таъминланади.

Қизилтепа туман тиббиёт бирлашмасида **30** ўринлик **кардиология маркази** ташкил этилади.

Хатирчи тумани марказий шифохонасида **10** ўринлик **ўз микрохирургияси маркази** субфилиали ташкил этиб, **5** турдаги жарроҳлик амалиётлар йўлга қўйилади.

Кармана, Хатирчи, Қизилтепа, туман тиббиёт бирлашмасида **пластик** ва **артроскопик жарроҳлик** амалиётлари йўлга қўйилади.

Республика шошилиш тиббий ёрдам илмий маркази Навоий филиалида **буйрак кўчириш** ва **кардиохирургика** амалиётини мустақил равишда амалга ошириш йўлга қўйилади.

Ҳиндистон, Россия, Япония ҳамда **Белоруссия** давлатлари билан ҳамкорликлар йўлга қўйилади.

Ёшлар ишлари. Жорий йилда **ёшларга алоҳида эътибор қаратилади.** Вилоятдаги ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларни илм-фан, айниқса, китобхонликка бўлган қизиқишларини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида Навоий шаҳрида барча қўлайликларга эга, имконияти

чекланган ёшлар ҳам фойдаланиши мумкин бўлган **замонавий кутубхона** барпо этилади.

Вилоятнинг барча туман ва шаҳарларида етарли шарт-шароитларга эга бўлган, қиймати **3,5млрд** сўм бўлган жами **11** танамунавий **универсал спорт майдончалари** барпо этилади.

Барча шаҳар ва туманларда **“Ёшлар сайилгоҳлари”** ва **“Ёшлар ижод кўчалари”** ҳамда Навоий шаҳрида **“Креатив парк”** фаолияти йўлга қўйилади.

Иқтидорли ёшларни излаб топиш, истеъдодини рўёбга чиқариш ва уларни қўллаб-қувватлашга кўмаклашиш йўналишида жами **172,1** **минг** нафар ёшлар, **“Ибрат фарзандлари”** Youtubеплатформаси орқали **35,9** **минг** нафар, **“Ibrat Academy”** мобил иловаси орқали **47,9** **минг** нафар, **“UzChess”** лойиҳасига **16,9** **минг** нафар, волонтерлик ва лидерлик лойиҳаларга **29,2** **минг** нафар ҳамда интеллектуал ўйинларга **42,4** **минг** нафар ёшларни кенг жалб қилиш чоралари кўрилади.

Юқоридаги лойиҳа ва стратегик режаларни амалга ошириш натижасида Навоий вилоятида 2024 йил давомида жами **514,5** **минг** нафар ёшларни турли йўналишларда **тўлиқ қамраб олинишига** эришилади.

Хотин-қизлар масаласи. **“Аёллар дафтари”** билан ишлаш тизими доирасидаги чора-тадбирлар изчил давом эттирилиб, 2024 йилда мазкур тизим асосида **31,0** **минг** нафар хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари бартараф этилади.

Эҳтиёжманд оилалардаги хотин-қизларни олий

таълимдаги шартномавий тўловларини тўлаб бериш ҳажмлари **20 фоизга** оширилиб, **200 нафар** хотин-қизларнинг базавий контракт тўловлари тўлаб берилади, **2000 нафар** қизларга олий таълим муассасаларига имтиёзли квота асосида тавсиянома берилади, 5 йил иш стажига эга бўлган яна **1500 нафар** хотин-қизларга мутахассислиги бўйича **олий таълимга** кириши учун тавсияномалар берилади.

Эҳтиёжманд бўлган **500 нафар** хотин-қизларнинг **уй-жойлари** давлат томонидан бепул таъмирлаб берилади.

2024 йилда **1200 нафар** хотин-қизларга **субсидия** асосида уй-жой харид қилиш имконияти яратилади.

Ички ишлар органларида профилактик ҳисобда бўлган **1575 нафар** хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммолари, оила турмуш шароити манзилли ўрганилади, Навоий вилоятини **жиноятчиликдан ҳоли ҳудудга** айлантириш бўйича мақсадли дастурларимиз изчил давом эттирилади.

Табиий ва ер соти бойликларига бой вилоятимизда **Менделеев жадвалидаги** деярли барча элементлар мавжудлиги, ишлаб чиқариш учун инфратузилма мавжудлиги сабабли, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган саноат маҳсулотларининг **16 фоизи** Навоий вилояти ҳиссасига тўғри келади, бугунги кунда вилоятдаги **4,3 мингдан** ортиқ саноат корхоналаримизда **100 мингдан** ортиқ ишчи-ҳодимлар фаолият кўрсатмоқда.

2024 йилда лойиҳалар ва корхоналарнинг мавжуд қувватларини кенгайтириш ҳамда янги лойиҳаларни ишга

тушириш ҳисобига **107,0** **трлн сўмлик саноат маҳсулотлари** ишлаб чиқарилиши ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръатини **106 фоизга** (ҳудудий корхоналар **14,1** **трлн сўм, 119,0%**) етказишни режалаштирганмиз.

2024 йилда **импортда салмоғи юқори бўлган** маҳсулотларни **маҳаллий** корхоналаримизда ўзлаштириш ишлари давом эттирилади.

Масалан, ҳар йили мамлакатимизга **17,2 млн** долларлик **водород периксиди** импорт қилинса, вилоятимиздаги **“Uzbekistan hydrogen peroxide”** МЧЖ томонидан йилига **20 млн** долларлик водород пероксиди ишлаб чиқарилади ва импорт ўрнини тўлиқ қоплайди.

Шу ва шу каби лойиҳаларни ҳисобига 2024 йилда **маҳаллийлаштириш** дастури доирасида **136** турдаги **1,8** **трлн сўмлик** импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилади.

Аҳоли бандлигини таъминлаш борасидаги ишларни давом эттирган ҳолда, жорий йил вилоятда **136,7** **минг нафар аҳолининг бандлиги** таъминланади.

2024 йилда **хорижда** ишлаб юрган **12299** **нафар** фуқаролар яшаш манзилларига қайтиши кутилаётган бўлиб, уларни реинтеграция қилиб бориш орқали **9,8** **минг** нафарининг бандлигини таъминлаш чоралари кўрилади.

Жорий йилда меҳнат бозоридаги талабдан келиб чиқиб касб-ҳунарга, тадбиркорликка ва хорижий тилларга **ўқитиш 20** **мингтага** етказилади.

Бундан ташқари, 2024 йилда ажратиладиган **16млрдсубсидия** ҳисобига **3,2минг** нафар ишсизлар бандлиги таъминланади.

Тадбиркорлик соҳасига берилаётган имтиёз ва қулайликлардан фойдаланган ҳолда 2024 йилда **4800** та янги **тадбиркорлик субъектлари** яратилиб, уларнинг сони **30минг** га етказилади.

2024 йилда **барча молиялаштириш** манбалари ҳисобидан **10,0трлн** сўм, шундан кичик бизнесга **3,5трлн** сўм **кредит ажратиш** ёки ўтган йилга нисбатан **17фоиз** га ошириш режалаштирилган.

Шу бирга, **Оилавий тадбиркорлик** дастури ва **кичик бизнесга кўмаклашиш маркази** томонидан **700млрд** сўм кредитлар ажратилиши белгиланган.

Шунингдек, “**20 минг тадбиркор - 500 минг мутахассис Дастури**” 2024 йилда қўшимча **400** та тадбиркорлик субъектларида **21минг** нафар ишсиз аҳоли ишга қабул қилинади.

2024 йилда инвестиция дастурлари доирасида қиймати **1млрд431** долларлик **719** та лойиҳалар шакллантирилиб, улар ҳисобига **10,1** мингдан зиёд иш ўринлари яратилиши режалаштириб олинди.

Ушбу лойиҳалар ҳисобига йилига **4,6трлн** сўмлик қўшимча ишлаб чиқариш қувватлари ташкил этилиб, **46млн** долларлик экспорт ва **30млн** долларлик импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилади ҳамда бюджетга **200млрд** сўмлик тушумлар манбаси яратилади.

Шунингдек, **Туркия, Хитой ва Татаристон** республикаларига ташрифлар доирасида имзоланган келишувлар доирасида амалга ошириладиган лойиҳалар ҳисобига **2024 йилда** камида **650 млн долларлик хорижий инвестициялар** ўзлаштирилади (2023 йилга нисбатан **ўсиш 136 фоиз**).

Шу билан бирга, **2024 йилда** вилоятда **337 млн долларлик экспорт** амалга оширилиб, 2023 йилга нисбатан **195 фоизга** ёки **164 млн доллардан** ортиқ маҳсулотлар экспорт қилиниши ҳамда экспорт таркибида **тайёр маҳсулотлар** улушини **30 фоиз (100,1 млн долл)**га етказиш белгиланган.

Мазкур прогноз ижросини таъминлаш мақсадида, экспорт фаолиятига **50 та** янги корхоналар жалб этилиб, **15 турдан** ортиқ **янги маҳсулотлар** экспортга чиқарилади ва **12 та** янги экспорт бозорлари ўзлаштирилади.

Бундан ташқари, **Европа давлатларига** амалга ошириладиган экспорт ҳажми **30 млн долларга** (2023 йилда **21,7 млн долл.**) ва шундан, **Джи-Эс-Пи** плюс доирасида экспорт ҳажми **16 млн долларга** етказиш (2023 йилда **9,1 млн долл.**) чоралари кўрилади.

Туризм соҳаси бўйича Давлатимиз Раҳбари томонидан яратиб берилан имкониятлардан самарали фойдаланган ҳолда **2024 йилда 350 минг** нафар хорижий ҳамда **2 млн 200 минг** нафар маҳаллий сайёҳларни жалб қилиш режалаштирилган.

Шунингдек, жорий йилда умумий қиймати **198,8 млрд сўмлик 53 та** лойиҳаларни (2023 йилга нисбатан

1,9баробарга кўп) ишга тушириш ҳисобига **399та** янги иш ўринларини яратиш бўйича чоралар белгиланган.

Бундан ташқари, М-37 автомагистрал йўл бўйининг Қизилтепа тумани ҳудудида **Карвонсарой** ташкил этилади, Нурота тумани **“Чуя” МФЙ** ҳамда Хатирчи тумани **“Лангар”** қишлоқлари **“Туризм қишлоғи”** га айлантирилади.

Вилоянинг туризм ва ёндош инфратузилмаларини яхшилаш мақсадларига **36,0млрд** сўмлик маблағлар йўналтирилади.

Қишлоқ хўжалиги соҳасини илмий асосда интенсив ривожлантириш, янги ер майдонлар ўзлаштиришда қўшимча маҳсулотлар етиштириш орқали **19,2трлн** сўмлик қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариб, ўсиш суръатини **104,9фоизга** етказишни режалаштирганмиз.

Мавжуд резервларни ишга солиш ва лойиҳаларни амалга ошириш ҳисобига қишлоқ хўжалигида **2024 йилда** жами **89,6 минг (3,4минг доимий, 86,2минг мавсумий)** нафара **аҳоли бандлигини** таъминлаш чоралари кўрилади.

3713 гектар майдонларни **фойдаланишга киритиш** орқали қўшимча **8,5 минг тонна** озиқ-овқат маҳсулотлари етиштириш ҳамда **3415 нафара** аҳоли бандлигини таъминлаш имконияти яратилади.

Шу билан бирга, **1060 гектар пахта** ва **ғалла** майдонлари қисқартириш ҳисобига деҳқон хўжаликларита шкил этиш учун тарқатилиб, **5,3минг** нафар **аҳоли бандлигини** таъминлаш чоралари кўрилади.

Бундан ташқари, **510гектар** мевали боғ ва **2057гектар** токзорлар барпо этиш орқали, **2414нафара** аҳоли бандлиги

таъминланади ҳамда **84,5**минг тонна **мева**, **56,5**минг тонна **узум**етиштирилади.

Шунингдек, **чорвачилик**соҳасида умумий қиймати **339,5 млрд** сўмлик **93 та** лойиҳалар ташкил этиш ҳисобига **621 та** янги иш ўринлари яратилади.

Шу билан бирга, барча тоифа хўжаликлар томонидан **193,5 минг** тонна гўшт, **551,5 минг** тонна сут, **419 млн** дона тухум, **14,1 минг** тонна балиқ ҳамда **1219 тонна** асал ишлаб чиқарилади.

Пахта-тўқимачилик **кластерлар**томонидан 2024-2025 йилларда қиймати **650 млрд**сўмбўлган **21 та** инвестицион лойиҳаларни амалга ошириш натижасида**3300 нафар** доимий ишчи ўринлари ташкил қилинади.

Вилоятда **5,2 минг** гектар майдонда **томчилатиб**, **10 минг** гектар **ёмғирлатиб**суғориш ҳамда **11,6минг** гектар майдонда лазерли текислаш ишлари олиб борилади ҳамда **650км**(бузунги кунга қадар 378 км, 60%) ички тармоқлар **бетонлаштирилади**.

Аҳоли ихтиёридаги **12,7минг**гектардан ортиқ **томорқа**экин майдонларидан **2-3 марта** ҳосил олишмақсадида **6,8минг**гектарэртаки, **8,3минг**гектартакрорий ва **8,5минг**гектартўқсонбости усулида экинлар экиш таъминланади.

Пахтачиликда 28,2 минг гектар майдонда синалган ва чет элдан олиб келинадиган навларини экиш эвазига **112 минг** тонна (ўртача **40,1 ц/га**)пахта хом-ашёси,**ғаллачиликда 44,3 минг** гектардан (ўртача**80 ц/га** ўтган йилга нисбатан **+15,7 ц/га**)**354,4 минг** тонна**ялпи ҳосил**олишга эришилади.

2024 йилнинг баҳор мавсумида **19,8** минг қути **ипак қурти** парваришланиб **1200 тонна** тирик пилла хом ашёси етиштириш ҳамда ушбу соҳада жами **58,0** минг нафараҳоли бандлиги таъминланади.

Юқорида таъкидлаб ўтилган режаларимизни амалга оширилиши натижасида, вилоятда **2024 йил якунида:**

ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми **93,8** трлнсўмни ташкил этиши ва ўсиш суръати **105,1** фоизга;

саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми **107** трлнсўмгава ўсиш суръати **105,0** фоизга;

қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми **17,3** трлнсўмгава ўсиш суръати **103,9** фоизга;

қурилиш ишлари **7,7** трлнсўмгава ўсиш суръати **106,5** фоизга;

хизматлар ҳажми **14,8** трлнсўмгава ўсиш суръати **117,7** фоизга ўсишига эришилади.

Аҳоли жон бошига ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми **86,2** млнсўмга, саноат маҳсулотлари **98,4** млнсўмга, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари **15,9** млнсўмга, қурилиш ишлари **7,0** млнсўмга, хизматлар ҳажми **13,7** млнсўмга етказилади.

Шу билан бирга, 2024 йилда **бюджет даромадлари** ҳам **4,8** трлнсўм, маҳаллий бюджет даромадлари эса **2,0** трлнсўмга етказилади.